

Ислоннинг тақозоси икки аразлашган мусулмонни яраштиришдир | Бешинчи ҳақ



13:20 / 07.08.2025 920

Гарчи муболаға ва кўп сўзлаш билан бўлса ҳам Ислоннинг тақозоси икки аразлашган мусулмонни яраштиришдир.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Одамлар орасини яраштириш мақсадида яхшиликни етказган** (ёки: яхши гап-сўзни айтган) **ёлғончи бўлмайди”**, деганлар. Ушбу ҳадис аразлашганларни яраштириш қатъий зарур эканлигига далолат қилмоқда. Зеро, бунда ёлғондан сақланиш вожибдир. Вожиб эса ўзидан кучлироқ вожиб бўлмагунича, асло зиммадан соқит бўлмайди.

Яна Набий алайҳиссалом бир ҳадисларида: **“Сизларга рўза, намоз ва садақанинг даражасидан ҳам афзал бўлган нарсанинг хабарини берайинми?”**-дедилар. (Саҳобалар:) “Ҳа, албатта, эй Аллоҳнинг Расули”,

дейишди. (У зот:) **“Орани ислоҳ қилиш (яраштириш)дир. Орани бузиш эса (динингизга) қирон келтирувчидир”**, дедилар.

Абдулҳамид Зайриевнинг

“Мусулмоннинг ҳақ ва вазифалари” китобидан

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 16 январдаги 03-07/184-сонли хулоса хати асосида нашрга тайёрланди.